O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 8 MAY ◆ SESHANBA ◆ № 52 (26.754)



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ 3-5 МАЙ КУНЛАРИ ИККИНЧИ БОР ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН РОССИЯДА МЕҲМОН БЎЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН-РОССИЯ:

МУНОСАБАТЛАР ЯНГИЧА МАЗМУН КАСБ ЭТМОҚДА

Ислом Каримов 1998 йилнинг майида давлат ташрифи билан Россияда меҳмон бўлган эди. Бу галгиси, қоидага кўра, расмий ташриф бўлиши керак эди. Лекин Кремль маъмуриятининг ташаббуси билан унга давлат ташрифи мақоми берилди. Аслида эса протокол қоидалари бир мартадан ортиқ давлат ташрифини инкор этади.

Шунда сўзнинг қудрати яна бир бор сезилди. Оммавий ахборот воситаларида бу воқеанинг («расмий» сўзининг «давлат» билан алмаштирилиши) аҳамияти ҳақида кўп гапирилди. Лекин ана шу алмашувга нималар сабаб бўлганлиги ҳақида барибир тўхталиб ўтмоқ керак.

Ислом Каримовнинг Москва сафари чоғида муҳокама этилган масалаларни бир неча қисмга бўлиш мумкин: хавфсизлик, савдо-иқтисодий муносабатлар, ижтимоий соҳадаги алоқалар. Бу йўналишларнинг ҳар бири аньанавий десак, хато бўлмайди. Ўзбекистон — Россия муносабатлари ҳамиша уларни ўз қамровига олиб келган. Фарқ шундаки, замон тақозоси, ўзгариб бораётган шарт-шароит, халқаро майдондаги мураккаб жараёнлар Ўзбекистон — Россия муносабатларини янги мазмун билан бойитмоқда. Бу муносабатларда беш-ўн йил бурунги зўракилик ўрнини самимийлик эгаллади.

Ҳозирги шароит икки мамлакатнинг хавфсизлик масалаларида яқин ҳамкор бўлишини тақозо этмоқда. Афғонистондаги вазият нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, балки бутун дунё аҳлининг бошини қотириб турибди. У ерда контрабанда йўли билан жаҳонга тарқатилаётган жамики наркотик модданинг 75 фоизи ишлаб чиқарилади. Афғонистон террорчиларнинг маънавий, иқтисодий ва ҳарбий жиплашув марказига айланган. Президент Ислом Каримов у ердан жаҳонга тарқалиши мумкин бўлган хавф-хатар ва таҳдид ҳақида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб огоҳ этиб келади. Афсуски, муаммонинг кўлами анча кеч англаб етилди. Масалан, АҚШ ўзининг Кения ва Танзаниядаги элчихоналаридаги портлашлар, «Коул» ҳарбий кемасидаги қўпорувчиликни бошидан кечирди. Шундан кейингина жаҳон террорчиларининг бош ҳомийси Усама бин Лодинни астойдил қидиришга тушди. Уни ўз паноҳига олган «Толибон»га нисбатан турли тақиқлар жорий қилинди. Ривожланган Европа ҳам Афғонистон масаласида қатъий фикрга келишга унчалик шошилмаётган эди. Наркобизнесга оид статистика, толибларнинг ваҳшийликлари, Будда ҳайкалларининг бузилиши, Болқондаги нотинчликлар, ниҳоят бу қитъани ҳам ҳушёр торттира бошлади.

Таъкидланганидек, Ислом Каримов воқеаларнинг бундай ривожланишини бир неча йил олдин башорат қилган эди. Лекин «узоқ хориж» у ёқда турсин, Марказий Осиё ёки МДҲ доирасида ҳам Афғонистондан чиқаётган таҳдидга қарши чора сифатида баландпарвоз гаплару иш бермайдиган ҳужжатлар имзолашдан нарига ўтилмади. Диний экстремизм, террор, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасининг қулочи кенгайиб, Афғонистондан анча олисда, анча қудратли давлатлар ҳудудида ҳам асоратлари сезила бошлагандагина кўпчилик ғимирлаб қолди. Хусусан, Россияда ўчириш жуда қийин кечаётган уруш ўчоғи пайдо бўлди. Чеченистондаги воқеалар аслида «аксилтеррор операцияси» деган қолипга сиғмайди. У бутун дунё бўйлаб яширин илдиз отган улкан кучга қарши курашдир. Бу илдиздан куч олаётганлар турли ғояларни ниқоб қилиб, Европаю Осиё, Африка ва ҳатто Америкада ҳам ўзининг ваҳшиёна ҳаракатларини амалга оширяпти. Болқон ва Чеченистондаги урушлар, шунингдек, ўтган йиллари Боткен ва Сурхондарёда кечган воқеалар шаклан турлича кўринса-да, моҳиятан бир хиллиги, аслида ягона занжирнинг ўзаро боғлиқ халқалари эканлигини тушуниб етиш қийин эмас.

Ўзбекистон ва Россиянинг ҳарбий, ҳарбий-техникавий ҳамкорлиги ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётганига асосий сабаб бир неча таркибий қисмдан иборат бўлган ана шу тизимга қарши кураш заруратидир. Россия ҳарбийларимизга тунда кўриш мосламалари, тоғли, ўрмонли ҳудудларда жанг қилиш учун техникавий воситалар беряпти. Ўзбекистон эса унинг жанубий сарҳадларига кириши мумкин бўлган хавфга тўсиқ бўлиб турибди.

Шу боис Президентимизнинг бу галги Москва сафари чоғида ҳарбий соҳага оид қўшма ҳужжатлар сони яна биттага кўпайди. Давлат чегараларини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланди. Уни тайёрлаш чоғидаёқ амалда қўллашнинг аниқ чоралари ишлаб чиқилган эди. Бу эса амалий ҳаракатлар тобора фаоллашаётганини кўрсатади.

Иқтисодий муносабатларга келсак, икки мамлакатда ҳам юзлаб қўшма корхоналар ишлаётгани, ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетгани эътиборга моликдир. Лекин томонлар бир овоздан бундан қониқиш ҳосил қилиб бўлмаслигини тан олди. Гап шундаки, савдо-иқтисодий муносабатларимиз имкониятларимиз даражасида эмас, ҳатто баъзида замонавий руҳдаги алоқаларга мос келмайди. Масалан, Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек, Россиянинг нефть-газ соҳасида ишлайдиган компаниялари Марказий Осиёга келгани йўқ. Ваҳоланки, бу ерда улкан энергетика заҳиралари мавжудлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон учун, қўшни давлатлар учун бу заҳираларни ўзлаштиришда кучли шериклар билан иш кўриш маъқул. Қудратли давлат ўз компаниясини ҳимоя қилиш билан бирга, бевосита бизнинг хавфсизлигимизни таъминлашда ҳам иштирок этади. Шу боис ҳам Ўзбекистон минтақамизда Россиянинг иқтисодий фаоллашуви тарафдори эканлиги Президент Ислом Каримов томонидан бир неча бор таъкидланди. Ягона шарт тенглик асосидаги шерикликдир. Шунда ҳам иқтисодий фойда олинади, ҳам давлатлараро муносабатлар ривожланади.

Москвадаги музокараларда иқтисодий муносабатлар муҳокама этилар экан, Ислом Каримов Россия томонига қўшма корхоналарни кўпайтириш, мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнида фаол қатнашиш орқали ҳамкорликни кучайтиришни таклиф этди. Бу фикр тўла қўллаб-қувватланди.

Икки мамлакатнинг ижтимоий соҳадаги алоқалари жадал ривожланмоқда. Рассомларнинг кўргазмалари, театр жамоаларининг гастроллари, олимларнинг ҳамкорлиги, шифокорларнинг борди-келдилари давомли тус олган. Айниқса, илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқалар диққатга сазовор. Президентимиз Россиядаги бир неча нуфузли илм масканларининг фахрий аъзоси бўлди, мукофот ва унвонлари билан тақдирланди. Ислом Каримов — Москва давлат университетининг (МДУ) ҳам фахрий профессори.

Бу ерга ташриф чоғида ректор Виктор Садовничий ва бошқа мураббийлар Ўзбекистон таълим соҳасида юз бераётган ўзгаришлардан ҳайратга тушганини айтди. Дарҳақиқат, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури доирасидаги ишлар, «Умид», «Устоз» жамғармалари тузилгани, энг муҳими, Ўзбекистонда таълим соҳасига ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизи баробарида маблағ ажратилаётганидан ҳайратланмай илож йўқ.

В.Садовничий таълим соҳасига бирор давлат раҳбари Ислом Каримовчалик эътибор бермаганини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Кадрлар малакасини оширмай, янгича фикрлайдиган авлодни вояга етказмай порлоқ келажак қуриб бўлмайди. Ўзбекистонда таълим тизими жиддий ислоҳ этиляпти. Илгари йигитқизлар 18 ёшга киргандагина касб танлашга киришган бўлса, ҳозир уларнинг тенгдоши бир ё бир неча ҳунарга эга. Ёшларимиз ривожланган мамлакатлардаги нуфузли илм масканларида таҳсил оляпти. Бу ислоҳотлар вақти келиб улкан ўзгаришларга олиб келишига шубҳа йўқ.

Ҳар аудиториясига бир дақиқадан кириб-чиқиш учун 80 йил талаб этиладиган МДУ Ўзбекистон Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ва Миллий университетимиз билан яқин ҳамкорлик қилади. Айни вақтда унинг ташаббуси билан ўзбекистонлик ўқувчилар олимпиадада иштирок этяпти, олий ўқув юртларимизнинг ректор ва проректорлари МДУда малака оширяпти. Университетдаги учрашувда бундай алоқалар кўламини янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Россия сафарининг яна бир муҳим воқеасига алоҳида тўхталмоқ жоиз. Ислом Каримов Москва ҳукумати раиси Юрий Лужков билан учрашди. Учрашувдан сўнг унинг ҳамроҳлигида «Москва Сити» мажмуига борди. У ерда мажмуанинг ўзи, қурилишлари билан танишди ва айни пайтда бир гуруҳ москвалик ишбилармонлар билан мулоқотда бўлди. Ислом Каримов шаҳарни давлат ичидаги давлатга қиёслар экан, Ўзбекистон маъмурий-ҳудудий тузилмаларининг у билан бевосита алоқаларини ривожлантириш ҳар томонлама фойдали бўлишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Москва йирик саноат марказидир. Биргина «Москва Сити» мажмуини мисол келтирсак. Бу ерда 27 қаватли улкан бино қуриб битказилди, ёнида эса машҳур «Останкино» телеминорасидан ҳам баландроқ иккита осмонўпар иншоот бунёд этилмоқда. Улар Европадаги энг баланд бинолар бўлади. Мажмуа эса ўз номи билан («сити» инглизча «шаҳар» дегани) катта бир шаҳарга айланади. Унда бизнес-марказ, маданий тадбирлар ва спорт мусобақаларига мўлжалланган жойлар, қўйингки, шаҳар ҳаётида учрайдиган ҳамма нарса бўлади.

Шундай қилиб, Президент Ислом Каримовнинг Россияга иккинчи давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф чоғида мамлакатимиз делегациясига кўрсатилган эҳтиром ва самимият Россияда Ўзбекистонга муносабат тубдан ўзгарганидан далолатдир. Президент қаерда, ким билан учрашмасин, кўтаринки кайфиятнинг гувоҳи бўлди. Ҳукумат раиси Михаил Касьянов «ташрифингиз ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизнинг катта белгиси, биз Ўзбекистонни стратегик ҳамкор, деб биламиз, сўнгги вақтларда алоқалар кучайди, муносабатларимиз стратегик ҳамкорлик хусусиятини олаётгани яққол намоён бўлмоқда», деди. Президент Владимир Путин эса, мазкур ташриф муносабатларимизни янги босқичга кўтарадиган ғоят кучли омил бўлишини таъкидлаб, мулоқотлар самимий кечгани ва кутилганидан ҳам кўп фойдали келишувларга эришилгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Россия оммавий ахборот воситалари — алоҳида мавзу. Жамоатчилигимиз ҳам илк бор Ўзбекистон Президентининг ташрифига бу қадар катта эътибор берилганига гувоҳ бўлди. Телерадио каналлари, саноқсиз газеталар ташрифни мунтазам равишда ёритиб борди. Бу эса Россия ҳукумати ва жамоатчилигида Ўзбекистон билан алоқани кучайтиришга интилиш ғоят кучли эканлигидан дарак беради.

Сўзимиз сўнггида президентлар имзолаган қўшма баёнотдан бир жумлани келтирмасдан ўтолмадик. Унда «икки мамлакат том маънодаги тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ёрдам, бир-бирининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ҳурмат қилиш тамойиллари асосида муносабат қуриш борасида яқдил қарорга келгани» таъкидланади. Бинобарин, Ислом Каримовнинг ташрифи ўзаро алоқаларимизни янги ривожланиш палласига олиб киради ва муносабатларимизни янги мазмун билан бойитади, дейишга барча асос бор.

■ **Анвар БОБОЕВ,**
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Москва-Тошкент

***

Суратда: ташриф пайти.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Гўзал ва бетакрор юртимизнинг сўлим гўшаси — Жиззах заминида катта муваффақият билан ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари мамлакатимиз ёшларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир натижаси экани бизга алоҳида ғурур-ифтихор бахш этади. Бу спорт анжумани нафақат биз — мусобақа иштирокчилари, балки бутун мамлакатимиз ёшлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз.

Мазкур мусобақалар Сизнинг «Болаларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги керак» деган даъватингиз бугунги ҳаётимизда тобора амалий қиммат касб этиб бораётганини яна бир карра бутун дунёга намойиш этди. Бундай меҳрибонлик учун Сиздан бениҳоя миннатдормиз.

Ёшликка хос шижоат ва гўзаллик байрамига айланиб кетган спорт ўйинларида биз ўз кучимиз ва маҳоратимизни намойиш қилар эканмиз, юрт меҳри, Ватан ишончи инсон учун ҳамма нарсадан азиз ва муқаддас эканини чуқур ҳис этдик. Жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам бир поғона ўсдик, улғайдик. Шунинг ўзи биз учун энг катта ғалабадир.

Ишончимиз комилки, Сизнинг ташаббусингиз билан ўтказилган «Баркамол авлод» мусобақалари хайрли анъанага айланиб, мард, фидойи ва олижаноб инсонларни тарбиялашга хизмат қилади. Бу йўлда дастлабки қалдирғочлар бўлиш бахти бизга насиб этганидан ғоят бахтиёрмиз.

Биз бор куч-ғайратимиз ва маҳоратимизни Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида сафарбар этишни ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз деб биламиз.

«Баркамол авлод» спорт мусобақалари қатнашчилари

2001 йил 5 май, Жиззах шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 8 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	181,56	10 Люксембург франки	77,38
1 Австрия шиллинги	22,69	1 Малайзия рингити	92,18
1 Англия фунт стерлинги	502,70	1 Германия маркаси	159,61
10 Бельгия франки	77,38	1 Польша злотийси	88,77
1 Голландия гульдени	141,66	1 СДР	445,12
10 Греция драхмаси	9,17	1000 Туркия лираси	0,31
1 Дания кронаси	41,85	1 Финляндия маркаси	52,50
1 БАА дирхами	95,37	1 Франция франки	47,59
1 АҚШ доллари	350,24	1 Швейцария франки	202,40
1 Миср фунти	90,08	1 ЕВРО	312,17
10 Испания песети	18,76	10 Жанубий Корея вони	2,71
100 Италия лираси	16,12	10 Япония иенаси	28,88
1 Канада доллари	228,59	1 Россия рубли	12,09
1 Хитой юани	42,31	1 Украина гривнаси	64,67

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«МУЗИМПЕКС ТИЖОРАТ» - ЮРТИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

— дейишмоқда мазкур заводни ишга туширишга шай турган ишчи-хизматчилар

Бугун бунёд этилаётган ҳар бир иншоот ватанимиз қудратини ошириши билан бирга келажак авлод корига ҳам ярайди. Пойтахтимизнинг шундоқ биқини — Назарбек кўрғонида ҳанузгача Марказий Осиё давлатларининг ҳали биронтасида барпо этилмаган «Музимпекс тижорат» заводининг қурилиши ана шундай корхоналардан биридир. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги «1999 йилда капитал қурилишни чет эл инвесторлари иштирокида амалга ошириш дастури ҳақида»ги қарори доирасида амалга оширилиб, эрта-индин тўла қувват билан ишга туширилиш арафасида.

Ушбу мажмуа халқимизга нима беради? У мамлакатимиз иқтисодиётининг қай тармоғини кўтаришга ҳисса қўшади?

Аввало шуни айтиш жоизки, ушбу корхона қурилиши деҳқону соҳибкорларимизнинг армони бўлиб келган. Завод далаларимизда пишиб етилган мева-сабзавотларни, полиз ва бошқа маҳсулотларни узоқ вақт табиий ҳолда сақлашга, қишда ҳам хорижга ёздагидек сархил меваларни экспорт қилиш имконини беради.



Бундай хайрли ташаббусни илгари суриш мақсадида Осиё Тараққиёт банкидан 5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит олинди. Шундан сўнг «Ўзозиқовқаттаъминот» ҳиссадорлик компаниясининг «РТПФ Тижорат» ОАЖ ва Австриянинг «YORK International Gec. m. b. H» компанияси ўртасида замонавий совутгич ускуналарини етказиб бериш хусусида шартнома имзоланди. Бугун эса ниятлар ижобат топиш арафасида.

— Мазкур корхона сахий заминимизда етиштирилган мева ва сабзавотлардан импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради, — дейди «РТПФ Тижорат» ОАЖ бош директори Фозил Ибрагимов. — Шу билан бирга мазкур завод деҳқону боғбонларнинг мушкулини осонлаштиришга ҳам хизмат қилади. Биз билан шартнома тузган барча деҳқон ва фермерларнинг иши — маҳсулотни етиштириш, уни яшикларга тахлаб беришдир.

Дастлаб заводда кунига 15-18 тонна маҳсулот қайта ишланади. Заводда ўрнатилган технология музлатган маҳсулот 4-5 ой ўтиб ҳам асил ҳолига қайтиши, шунингдек, табиий шифобахшлигини йўқотмаслигини кафолатлайди.

Ушбу ишлаб чиқариш технологияси замонавийлиги ҳамда юқори унумдорлиги билан ажралиб туради.

— Ҳадемай заводда қулупнай, олча, гилос, ўрик, шафтоли каби маҳсулотларни қайта ишлаб жем тайёрлашни амалга ошира бошлаймиз, — дейди мазкур завод раҳбари Мирсамад Султонов. — Бу йирик корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 10 минг тоннага мўлжалланган. Шу йилнинг ўзидаёқ 720 тонна қулупнай, 216 тонна хўжағат (малина), 720 тоннадан гилос, олча, 648 тонна шафтоли, 636 тонна ўрик, 440 тонна қовунни музлатиб сақлаш режалаштирилган.

Гапнинг индаллоси бугун тадбиркорларимиз изланаяпти, интиляпти. Илоё, ниятлари ижобат топсин!

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

СУРАТЛАРДА:

1. «Музимпекс тижорат» биносининг умумий кўриниши.
2. Италиядан келтирилган жем тайёрлаш линияси.
3. «Музимпекс» заводи раҳбари ўринбосари Хайрулло Икромов, бош технолог Дилшод Хўжаевлар ускуналарнинг ишлаши хусусида ишчи Жамолиддин билан суҳбатлашмоқда.
4. Ишчилар Саида Тўлаганова ва Умида Эшоновалар иш устида.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ВАТАН — САЖДАГОХ

ОЛТМИШ ЙИЛЛИК АЙРИЛИҚ

«ШУКР, ҚАРИНДОШЛАРИМ ҚУЧОҒИГА ҚАЙТДИМ, ВАТАН МЕҲРИГА ҚОНДИМ», — ДЕЙДИ МИРЗАЧЎЛЛИК РАМАЗОН ОТА АСИМОВ

Саксон тўрт баҳорни қаршилаганига қарамасдан ҳали бардам отахоннинг олтмиш йиллик айрилиқ даврида кўрган-кечирганлари ҳақидаги ҳикоясини тинглар экансиз, «тинчлик бўлсин, қушнинг ҳам уяси бузилмасин, ҳеч ким юртидан йироқларда ғам-кулфат чекмасин» деган ўй кечади хаёлингиздан.

— Аскарликка кетганимда йигирма тўрт ёшда эдим, — дейди у. — Хотиним, икки қизим Фориш туманининг тоғли қишлоғида қолиб кетди. Иккинчи жаҳон урушини олис Украина тупроғида қарши олдим. Душман билан аёвсиз олишардик. Лекин кучлар тенг эмасди. 1941 йилнинг охирларидаги омонсиз жангларнинг бирида ҳушимдан кетибман. Ўзимга келсам, асирлар орасидаман. Бизни дастлаб Польша, кейин Германия, сўнг Италия лагерларида сақлашди. Бошимизга не-не кунларни солишмади? Ғалабани Италияда эшитдим. Биз бир гуруҳ ҳарбий асирларни иттифоқдошларимиз — Америка қўшинлари тутқунликдан озод қилдилар.

Рамазон отанинг хотираларини тинглаянмиз-у, унинг кўнгли тубида йиллар бўйи армон бўлиб ётган орзу-умидларини илғагандек бўламиз.

— Ватан соғинчи, ота юртимга, она қишлоғимга бўлган меҳру муҳаббат сира тинчлик бермасди менга, — дейди отахон умр китобини варақлар экан. — Лекин асирликдан сўнг, собиқ СССРга қайтган аскарларни суриштирмасдан сотқин, деб ҳисоблаб ўлимга маҳкум этаётганмиш, деган совуқ хабар оёқ-қўлимизни боғлаб қўйганди. Тақдирга тан беришдан ўзга чорамиз йўқ эди.

Шундай қилиб Рамазон ота Италияда қолиб кетди. Оз эмас, кўп эмас, нақд олтмиш йил Ватандан йироқларда яшашга мажбур бўлди. Орада ҳамшира қиз Палмида билан танишди. Юлдузи юлдузига тўғри келиб турмуш қурдилар. Дастлабки йилларда фермерларга қарашиб юрди. Сўнг ўзиям фермер бўлди. Деҳқончилик қилиб, иқтисодини тиклади. Турмуши тинч бўлса-да, кўнгли нотинч эди унинг. Қалби юртига талпинарди. Тушларида Фориш тоғларини, қишлоғини, лойсувоқ томлару суви зилол булоқларини, қизлари Бозоргул ва Яхшигулларни кўрар, Ўзбекистонни қўмсарди. Юртига, оиласига, қариндошларига хатлар ёзди. Лекин биронтасигаям жавоб ололмади. Шундаям ноумид бўлмади, эртанги кунга ишончини йўқотмади. Яхши кунлар келишини кутиб яшади.

Ниҳоят Рамазон ота сабр-тоқат билан кутган кунлар келди: юрт озод бўлди. У Истиқлолни кўзида ёш, қалбида қувонч билан қарши олди. Қишлоғига яна хат йўллади. Бу гал унинг мактуби беэътибор қолмади. Мустақил Ўзбекистон тақдир тақозоси билан олисларда қолиб кетган дилбандини бегона деб кўрагидан итармади. Қишлоғидан Мирзачўлга кўчирилган қизи Бозоргул опанинг фарзанди Комилжон ўз бобосини топиш, унинг дийдорига тўйиш истагида олис Италияга отланди.

Шундай қилиб саксон тўрт ёшли нуроний отахон билан унинг навқирон набираси Ватандан йироқларда, олис Италия тупроғида бир-бирларини бағирларига босдилар. Шунда Рамазон ота дилида қадрдон юрт — Ўзбекистон тафтини туйди, қишлоғини, қадрдонларини кўргандай бўлди. Ўтган умри, кўрган-кечирганлари, уруш даҳшатларию асирлик азоблари хотирасида худди кино тасмасидай жонланди. Шундай кунларга соғ-омон етказгани учун яратганга шукроналар айтди.

Набира уч-тўрт кун бобосиникида меҳмонда юрди. Сўнг унга онасининг, қариндошларининг истагини айтди — уни Ўзбекистонга таклиф қилди, меҳмонга эмас, бутунлай кўчиб боришга чорлади.

Аввалига Рамазон бобо шошиб қолди. Ахир невараси олтмиш йилдан бери уни қийнаб келаётган дардига малҳам қўймоқчи.

Отахон қалбига қулоқ тутди: Италияда топган меҳрибон Палмидасидан, фарзандларидан айрилиб, ёлғиз қолган бобонинг қалби ҳамон ватанга талпинарди, кўзлари юртни кўрмоқ истарди...

Ўтган йилнинг охирларида Рамазон ота Асимов Ўзбекистон заминига қадам қўйди. Қадам қўйди-ю юртнинг табаррук тупроғини кўзларига суртди. Шунда йиллар бўйи не-не қийноқларга бардош берган, не-не азобларни кўравериб дийдаси қотиб кетган отахоннинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. Бу ёш олтмиш йил мобайнида Ватан дийдорини кўролмай армонда кетмасайдим, деган хавотир ва ҳадик билан яшаган, Истиқлол туфайли орзулари рўёбга чиққан инсоннинг севинч ёшлари эди.

■ **Алимқул СУЛТОНОВ, Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Она ва бола» Давлат дастурини қўллаб-қувватлаш юзасидан Зангиота туман партия кенгашининг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Шунингдек, бюро мамлакатимиз мустақиллиги ва Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг 10 йиллиги муносабати билан Тошкент вилоят партия кенгаши «Эҳтиром китоби»ни таъсис этиш ва Ўзбекистон ХДПнинг Тошкент вилоятидаги энг яхши шаҳар, туман, бошланғич (ҳудудий) ташкилоти номи учун «Янгича ишлаш, фаоллик, ташаббускорлик — ютуқлар гарови!» шиори остида кўрик-танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

***

ЎзХДП Чуст туман кенгаши, туман ҳокимлигининг маданият бўлими билан ҳамкорликда «Маънавият маликаси», деб номланган, кўрик-танловни ўтказди. Ушбу танловда иштирок этган кутубхоначи қизларнинг кишиларда китобга меҳр уйғотиш салоҳияти, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳалардаги билимлари синовдан ўтди. «Қарши» қишлоғи кутубхоначиси, ХДП аъзоси Манзурахон Суробова танлов ғолибаси бўлди.

***

Тўрақўрғон туман партия кенгаши ташаббуси билан Бобур номли жамоа хўжалигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга бағишланган «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Хўжаликнинг 160 нафар аъзолари мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Тадбирни ХДП туман кенгаши котиби Ғ. Акбаров олиб борди.

***

Наманган шаҳар партия кенгаши ХДП сафларини янги аъзолар ҳисобига кенгайтирмоқда. Яқинда шаҳар ҳокимлиги Молия бошқармаси ва вилоят тез тиббий ёрдам илмий марказида партия сафига 25 нафар янги аъзо қабул қилинди. Ёш партия аъзоларига билетлар тантанали вазиятда топширилди.

***

Косонсой туман партия кенгашининг навбатдаги пленумида маҳаллий партия ташкилотининг парламентчилик фаолиятини такомиллаштириш бўйича вазифалари белгилаб олинди. Унда туман партия кенгаши биринчи котиби К. Носиров маъруза қилди.

***

ЎзХДП Каттақўрғон туман кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда ХДП туман кенгаши ижроия бюросининг 2000 йилдаги фаолияти юзасидан туман партия кенгаши котиби Б. Ибрагимовнинг маърузаси тингланди.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Баҳриддин Шомаматов пенсияга чиқанлиги муносабати билан туман партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод қилинди. Туман «Маънавият ва маърифат» маркази масъул котиби бўлиб ишлаб келган Ҳасан Раҳимов ХДП Каттақўрғон туман кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши биринчи котиби Р. Ҳамроқулов ва Каттақўрғон тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати М. Худоёров сўзга чиқдилар.

***

Тошкент вилоятидаги шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳисоб ва иш юритиш ходимларининг навбатдаги минтақавий семинари Бўстонлиқ туман партия кенгаши негизида ўтказилди. Унда Чирчиқ шаҳар, Юқоричирчиқ, Паркент, Қибрай, Тошкент туман партия кенгашлари масъул ходимлари иштирок этдилар. Йиғилганлар олдида Бўстонлиқ туман партия кенгаши масъул ходимлари маърузалар қилдилар. Семинар иштирокчилари туман алоқа бўлими ва Абдулла Қодирий номли 3-ўрта мактаб ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан танишдилар.

***

Зангиота туман партия кенгаши пленумида ташкилий масалалар кўрилди. Туман партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод этилди. Д. Тошметова туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби С. Аъзамов сўзга чиқди.

***

Бўстонлиқ туман партия кенгаши ижроия бюросининг навбатдаги мажлиси «Озодбош» қўрғончасида ўтказилди.

Унда ушбу ҳудуддаги бошланғич партия ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш масаласи ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши депутати А. Аширбекованинг, аҳоли мададталаб қатламлари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги ахбороти кўриб чиқилди.

***

ХДП Чирчиқ шаҳар кенгашининг Олий Мажлис халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, корхона, ташкилот, ўқув юртлари, маҳалла қўмиталари, қатор нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг шаҳар бўлимлари раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокида ўтган пленумида «Чирчиқ шаҳар партия ташкилотларининг Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини амалга оширишдаги иштирокини кучайтириш тўғрисида»ги масала муҳокама этилди.

Шаҳар партия кенгаши қошидаги «Учрашувлар» клубининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Мазкур партия фаоллари шаҳардаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтган учрашувда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, «Ташкентская правда» газетаси муҳаррири А. Хўжаев, республика Байналмилал маданият маркази директори ўринбосари Н. Силеенков қатнашчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб бердилар.

***

Ўзбекистон ХДП Андижон шаҳар партия кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармойишини бажариш мақсадида, жойларда учрашувлар, машғулотлар ва «давра суҳбатлари» мунтазам уюштирилмоқда.

***

ХДП Андижон туман кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими билан ҳамкорликда, туман академик лицейида, «Мўъжизалар майдони» мавзуида савол-жавоб кечасини уюштирди.

***

Зомин туман партия кенгаши ташаббуси билан тумандаги 34-ўрта мактабда «Сиз қонунни биласизми?» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

***

ХДП Шофиркон туман кенгаши академик Иброҳим Мўминов номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Қурама» маҳалласида «Оила — жамият пойдевори» мавзуида оилаларо кўрик-танловни ўтказди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

***

Олот тумани «Гулистон» ширкат хўжалигида ХДП бошланғич ташкилоти ташаббуси билан меҳнат фахрийси Жума Сафаров хотирасига бағишланган спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Ғолиблар ХДП туман кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

***

Янгибозор туман партия кенгаши ХДП Дастурида, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги белгиланган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Чернобиль ҳалокати ногирони Р. Ўрозбоев, боқувчисини йўқотган Р. Ниёзматова, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийлари — Ш. Каримов, М.Матяқубовларга моддий ёрдам уюштирилди. Шунингдек, етим Ўрол Қурбониёзовнинг никоҳ тўйини ўтказишда туман партия кенгаши бошқош бўлди. Кенгаш кекса партия аъзоси Шукуржон момо Юсуповани матбуот нашрларига обуна қилишни ҳам ўз зиммасига олди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

СЕССИЯ КУН ТАРТИБИ

ЛИЦЕНЗИЯ – СИФАТ БЕЛГИСИ

Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларининг рўйхати тўғрисидаги масала Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг V сессияси кун тартибидан ўрин олган. Қайси фаолият турлари лицензияланиши лозим, лицензиялаш нима учун керак, каби саволлар билан Олий Мажлиснинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси аъзоси, Олий Мажлис депутати Комилжон Йўлдошевга мурожаат қилдик.

— Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг аввалги сессияларидан бирида «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган эди. Лицензиялашнинг турлари, бериш муддати, тартиби ҳақида бу қонунда кўрсатиб ўтилганлигидан хабарингиз бор. Лекин қандай фаолият турлари лицензияланиши лозим, деган саволга аввало жавоб бериш керак. Бу ҳақда «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунда кўрсатиб ўтилган эди. Бўлар асосан қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг соғлиғига зарар етказмайдиган фаолиятлар
2. Аҳолининг соғлигига хавфли бўлган фаолиятлар
3. Табиатга зарар етказадиган фаолиятлар.

Юқоридаги хусусиятга эга бўлган фаолиятларни мутахассислар ёки давлат томонидан назорат қилиб турилмаса улар аҳолига, жамиятга, атроф-муҳитга катта зарар етказиши мумкин. Ана шу ўринда нима учун лицензиялаш лозим, деган савол бўлиши табий. Оддий мисол, масалан, лицензия олмаган бирор фирмада ишлаб чиқарилган сифатсиз дори-дармон маҳсулотлари бутун бошли халқни, аҳолини заҳарлаб, жамиятга катта миқдорда зарар келтириши мумкин. Ана шундай ҳолатлар бўлмаслиги учун юқоридаги муносабатларни «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонун тартибга солади.

Энди сиз савол беришингиз мумкин: лицензиялаш тўғрисида қонун қабул қилинган бўлса, нега яна фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги масала Олий Мажлис сессияси кун тартибига қўйиляпти?

Ҳамдўстлик давлатларининг қонунларида лицензияланиши лозим бўлган фаолият турлари қайсилар эканлиги ҳақида қонуннинг ўзида кўрсатиб ўтилган. Лекин биз ишчи гуруҳи ва мутахассислар билан қонун лойиҳасини ишлаш давомида шу қарорга келдикки, қонуннинг ҳажми катта бўлиб кетмаслик, ҳар бир фаолият ўзгарганда Қонунга ўзгартириш киритавермасликни назарда тутиб лицензияланиши лозим бўлган фаолиятларни алоҳида рўйхат қилишга келишдик. Ва қонуннинг 7-моддасига фаолиятнинг лицензияланадиган турлари давлат томонидан таклифлар киритилиб, Олий Мажлисда қабул қилинади, деган жумла киритилди.

Қонуннинг 7-моддасига асосан амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатини тайёрладик. Бу рўйхат Олий Мажлис депутатлари иштирокида кўриб чиқилади. Тўғрисини айтганда рўйхат тайёрланиши жуда баҳсли кечди. Чунки ҳозир давлатимизда иқтисодиётни, тижоратни, жамиятни эркинлаштириш жараёни кетаяпти. Шўро замонида кўпгина фаолият турларига давлат томонидан чеклов бор эди. Биз ишчи гуруҳимиз билан биргаликда эркинлаштириш сиёсати кетаётган бир пайтда тадбиркорларнинг қўлини бойлаб қўймаслик учун ҳаракат қилдикки, фаолиятнинг энг оғир, киши соғлиғига ва табиатга ўта зарарли бўлган турларинигина лицензиялаш лозим, деган талаб қўйилди. Шунинг учун рўйхатда тадбиркорлар олдига бюрократик тўсиқлар қўйиб, уларга ҳалақит берадиган фаолият турлари қолмади. Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турлари қуйидагилар: ҳарбий техника қисмларини ишлаб чиқариш; табиат бойликларини қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш, тиббиёт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ҳоказо.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ ёзиб олди**

РАНГЛАРДА АЁЛ ШАРҲИ

Республика байналмилал маданият марказида меҳмондўстлик ва ахборот хизмати «Rang-AL» фирмаси ҳомийлигида «Оналар ва болалар» йилига бағишланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Республикамиздаги 20 дан ортиқ рассомларнинг аёллар мавзуидаги асарлари намойиш этилди. Санъат асарларида аёл сиймоси, табиат манзаралари, халқимизнинг миллий урф-одатлари акс этган. Кўргазманинг очилишида иштирок этганлар оналар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, бу борада Ўзбекистон рассомларининг ижодий фаолиятлари ҳақида гапирдилар.

Кўргазманинг «Оналар ва болалар» йилига бағишланиши ва айнан баҳор фаслида ташкил қилинаётганлиги бежиз эмас. Чунки онани қуёшга, фарзандни эса унинг нурларидан баҳра олиб улғаяётган гулга қиёслаймиз.

Хорижлик меҳмонлар ҳам бу кўргазмага катта қизиқиш билан қарадилар. Жумладан, АҚШ ва кореялик меҳмонлар уни юқори баҳоладилар. Кўргазма доирасида ҳар бир мусаввир билан учрашувлар ҳам ташкил этилди. Шулардан бири истеъдодли рассом Азиза Маматова билан ўқувчилар ўртасида бўлган ижодий учрашув қизғин кечди.

Азиза Маматованинг асарлари Ўзбекистон Давлат санъат музейида, шунингдек, Америка, Англия ва Монголия музейларида намойиш этилган.

■ **Азиза ЙЎЛДОШЕВА, Ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназияси ўқитувчиси**

ЖИЗЗАХДА ЎТГАН ОЛТИ КУН

бир умрга хотирамизда қолади, — дейишди «Баркамол авлод» биринчи республика спорт ўйинлари қатнашчилари

Республика спорт ўйинлари 5 май куни кечқурун якунига етди. Ўтган олти кун энг яхши терма жамоалар, умидли ва иқтидорли спортчи ёшларнинг номларини кўпчиликка маълум қилди. Спорт ўйинларининг ҳар куни, ҳар соати қизиқарли ҳамда муросасиз беллашувлар билан ўтди. Оммавий етти тур бўйича ўтказилган мусобақаларни 200 га яқин ҳакам баҳолаб турди. «Ўзига хос кичик олимпиада» деб эътироф этилган спорт ўйинлари чоғида Жиззах шаҳри, Бахмал, Ғаллаорол ва Пахтакор туманларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан келган мингдан зиёд ёш спортчи, мураббий ва ҳакамларга шарт-шароитлар яратиб берилди. Мусобақалардан бўш вақтларни кўнгилли ҳамда мароқли ўтказишлари учун маданий-маиший тадбирлар ташкил этилди.

Қизғин баҳслар, ўзаро беллашувлар ортда қолди. Енгил атлетика бўйича 220 та очко тўплаган Тошкент шаҳри ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари вакиллари биринчи, 154 та очко билан наманганликлар иккинчи, улардан атиги битта очко кам тўплаган самарқандликлар учинчи ўринни эгалладилар.

Пахтакор туманидаги Агроколлежга қарашли кураш саройида ўтган белбоғли кураш ёки курашнинг фарғонача усулида наманганликлар биринчиликни қўлга киритган бўлса, ўзбек курашида шаҳри ёш спортчилари фахрли биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Баскетболчи ўғил болалар ва қизлар ўртасида Тошкент шаҳри вакилларининг кучли экани кўринди.

Волейбол ўйинлари ҳам жиззахлик ёш полвонларга омад кулиб боқди.

Ғаллаорол туманидаги спорт майдонларида ўтган кескин беллашувлардан сўнг финалда Наманган ва Самарқанд вилоятлари терма жамоалари майдонга тушдилар. Ушбу ўйинда наманганлик футболчилар ғалаба нашидасини сурдилар.

Жиззах шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежининг сув бассейнида беш кун мобайнида ўтган баҳслар ниҳоясида Тошкент жуда қизиқарли ўтди. Ўғил болалар жамоалари орасида Навоий вилояти, қизлар орасида эса Тошкент шаҳри вакиллари шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Теннисчилар баҳси ҳам ҳаяжонли бўлди. Биринчи ўрин учун курашда тошкентлик Александра Сорокотянинг омади чопди.

«Баркамол авлод» спорт ўйинларида ҳаммаси бўлиб 265 та соврин ўз эгаларини топди. Жумладан, югуриш бўйича тошкентлик Диляра Хазиахметова, Ольга Файрузова, самарқандлик Акобир Мардонов, Зокир Аҳмедов, наманганлик Валентина Иванова, Руслан Йўлдошев, Рустам Маматказин, фарғоналик Дониёр Синагатаулин, узоққа сакрашда сурхондарёлик Анастасия Воропай, тошкентлик Камолиддин Рузамуҳаммедов, сузишда наманганлик Диана Вишнякова, тошкентлик Екатерина Овчинникова, Павел Мушинский, Алла Сафонова, Андрей Курносов, Мария Мехеда, навоийлик Евгений Каширин, Роксана Глушенко, Шуҳрат Шарипов, бухоролик Стас Резепов, ядро улоқтиришда тошкентлик Елена Смольянова, Дмитрий Шуман ва бошқалар совриндор бўлишди.

Иккинчи республика спорт ўйинларининг 2003 йилда Қашқадарё вилоятида ўтказишга келишиб олинди.

■ **Ўз мухбиримиз Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар**

ҲАВАС, ИХЛОС, ОМАД

Пойтахтнинг «Динамо» теннис кошонаси дам олиш кунлари ҳар қачонгидан гавжумлашди. Юртбошимиз ташаббуслари билан ташкил этилган «Ҳавас» республика турнирида яна раҳбар ходимлар майдонга тушдилар. Беш йил аввал теннисга ҳавас қўйганлар ҳозир спортнинг бу турига ихлослари ортиб бораётганини намойиш этишмоқда. Омади чопганлардан Рўзи Ҳикматуллаев, Шавкат Каримов, Мираброр Усмонов (Фарҳод Ғуломов), Тўлқин Жабборов (В. Дербенов), Азиз Носиров (Ш. Абдиҳолиқзода) ҳамда Федор Кимлар турнир ғолиблари бўлишган.

Бу сафарги мусобақа ҳам мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Юз нафардан кўпроқ теннисчи гуруҳларга бўлиниб, якка ва жуфтликлар баҳсларида куч синашдилар. Хусусан, жуфтликлар беллашувида О. Носиров — Т. Жабборов, Ш.Назаров — В. Никифоров, В. Атаев — К. Шодиев ҳамда Р. Файзуллаев — А.Алиевлар ярим финалга чиқиб курашни давом эттириш имкониятига эга бўлишди. Зеро, финалда О. Носиров — Т. Жабборов билан Р. Файзуллаев — А.Алиевлар ўзаро рўбарў келишди. Бу ўйинда 6:4 ҳисобида муваффақият қозонган «Телеком» акциядорлик компаниясининг Наманган шўъбаси директори О. Носиров билан Наманган вилоят ҳокими Т.Жабборовлар бош совринни қўлга киритишди. Якка баҳс иштирокчилари учрашувлари ҳам қизғин тус олди. Ҳал қилувчи учрашув Наманган вилояти савдо бошқармаси бошлиғи А. Зиётов билан миллий хавфсизлик хизмати ходими Ф. Турсунов ўртасида давом этди. Муросасиз беллашув 6:3 ҳисобида Фахриддин Турсунов фойдасига ҳал бўлди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида ғолибларга эсдалик совғалари топширилди. Оммавий ахборот воситалари томонидан таъсис этилган совринлар ҳам эгаларига инъом этилди. «Ўзбекистон овози» газетасининг «Қадимий обидалар» мой-бўёқ тасвири «Ўзбекнефтегаз» холдинг компанияси раиси Валерий Атаевга насиб этди. Шундай қилиб соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётган навбатдаги турнир якунланди.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ**

***

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар



9 май –

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан аждодлар руҳини ёд этади.

Мустақил Ўзбекистон осмони ҳамиша беғубор ва мусаффо бўлсин. Ҳар бир хонадонга осойишталик ва фаровонлик тилаймиз. Ватан мустақиллиги ва равнақи учун жон фидо қилган аждодлар руҳи Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш йўлида ҳамиша мададкор бўлсин!



BS
BURSEL
GROUP
жамоаси

PAYSHANBA 10

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Жозиба». Мусиқий дастур.
9.25 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
9.40, 12.25 ТВ-метео.
9.45 «Аёл дунёни тебратар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.20 Кундузги сеанс: «Кечиролсанг, кечир мени». Бадиий фильм.
11.40 «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
12.05 «Инсон ва қонун».
12.30 «Барака ёмғири». Мультфильм.
12.40 «Ўзбекистон – Ватаним маним». Мусиқий дастур.
13.15 «Олам». Телеальманах.
13.55, 16.50 ТВ-анонс.
14.10 «Ўйла! ИзлА! Топ!» Телемусобақа.
14.50 «Озода бўлса шаҳринг».
15.05 «Қуйлардан қўшиқларга».
15.30 Кундузги сеанс: «Замонавий аёл». Бадиий фильм.
17.00 «Талабалик йилларим».
17.20 ТВ-клип.
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Сиҳат-саломатлик».
18.30 «Ифтихор».
18.50 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.10 «Юки ерда қолмас элимнинг».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 II чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан. «Парламент вақти».
21.25 «Ўзбекистон бастакорлари». Мутал Бурҳонов.
21.55 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
22.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига. «Истиқлолдан зиё топган юрт». Телетанлов. Экранда - Қорақалпоғистон Республикаси.
22.45 «Саҳна ҳаёти».
23.15 «Ахборот».
23.50 Тунги сеанс: «Яратганга шукур». Бадиий фильм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Болалар учун концерт».
9.35 Мультфильм.
9.55, 10.15, 14.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.00 «Давр»-интервью.
10.25 «Алишер Навоий». Видеофильм. 19-қисм.
10.55 Олтин мерос.
11.00 «Даллас». Телесериал.
11.45 Бегойим.
12.10 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
12.35 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
14.20 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
15.55 Сенинг вақтинг.
16.15 Спорт қитъаси.
16.40 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
17.30 «Мульттомоша».
17.45 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 23-қисм.
18.10 Далил ва шарҳ.
18.25 Табобат оламида.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 «Алишер Навоий». Видеофильм. 20-қисм.
20.30 Мусиқий лаҳзалар.
